

**САМАРҚАНД ДАВЛАТ ВЕТЕРИНАРИЯ МЕДИЦИНАСИ,
ЧОРВАЧИЛИК ВА БИОТЕХНОЛОГИЯЛАР УНИВЕРСИТЕТИ
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.06/30.12.2019.V.12.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

**САМАРҚАНД ДАВЛАТ ВЕТЕРИНАРИЯ МЕДИЦИНАСИ,
ЧОРВАЧИЛИК ВА БИОТЕХНОЛОГИЯЛАР УНИВЕРСИТЕТИ**

ПАРДАЕВА ШАХНОЗА АЛИШЕРОВНА

**СИГИРЛАРДА ПОДОДЕРМАТИТЛАРНИНГ ҚИЁСИЙ
ПАТОМОРФОЛОГИЯСИ**

**16.00.02 – Ҳайвонлар патологияси, онкологияси ва морфологияси. Ветеринар
акушерлиги ва ҳайвонлар репродукцияси биотехникаси**

**ВЕТЕРИНАРИЯ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Самарқанд - 2025

УЎК.: 631.6.02:614.8.

**Ветеринария фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD) по
ветеринарным наукам**

Content of the abstract of doctoral dissertation (PhD) on veterinary sciences

Пардаева Шахноза Алишеровна

Сигирларда пододерматитларнинг қиёсий патоморфологияси..... 5

Пардаева Шахноза Алишеровна

Сравнительная патоморфология пододерматитов у коров..... 23

Pardayeva Shakhnoza Alisherovna

Comparative pathomorphology of pododermatitis in cows..... 41

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ

List of published works..... 45

**САМАРҚАНД ДАВЛАТ ВЕТЕРИНАРИЯ МЕДИЦИНАСИ,
ЧОРВАЧИЛИК ВА БИОТЕХНОЛОГИЯЛАР УНИВЕРСИТЕТИ
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.06/30.12.2019.V.12.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

**САМАРҚАНД ДАВЛАТ ВЕТЕРИНАРИЯ МЕДИЦИНАСИ,
ЧОРВАЧИЛИК ВА БИОТЕХНОЛОГИЯЛАР УНИВЕРСИТЕТИ**

ПАРДАЕВА ШАХНОЗА АЛИШЕРОВНА

**СИГИРЛАРДА ПОДОДЕРМАТИТЛАРНИНГ ҚИЁСИЙ
ПАТОМОРФОЛОГИЯСИ**

**16.00.02 – Ҳайвонлар патологияси, онкологияси ва морфологияси. Ветеринар
акушерлиги ва ҳайвонлар репродукцияси биотехникаси**

**ВЕТЕРИНАРИЯ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Самарқанд – 2025

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Олий Аттестация Комиссиясида B2024.2.PhD/V114 рақам билан рўйхатга олинган.

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси Самарқанд давлат ветеринария медицинаси, чорвачилик ва биотехнологиялар университетига бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) илмий кенгашнинг веб-саҳифасида (www.ssu.v.uz) ҳамда «Ziyonet» ахборот таълим порталида (www.ziyonet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар: Дилмуродов Насриддин Бабакулович
ветеринария фанлари доктори, профессор

Расмий оппонентлар: Элмуродов Бозорбой Ақтамович
ветеринария фанлари доктори, профессор

Юлчиев Жасур Баходирович
ветеринария фанлари буйича фалсафа доктори (PhD),
доцент

Етакчи ташкилот: Самарқанд давлат тиббиёт университети

Диссертация ҳимояси Самарқанд давлат ветеринария медицинаси, чорвачилик ва биотехнологиялар университети ҳузуридаги илмий даражалар берувчи DSc.06/30.12.2019V.12.01 рақамли Илмий кенгашнинг 2025 йил «12» 04 соат «14:50» даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 140103, Самарқанд шаҳри, М.Улугбек кўчаси, 77- уй. Тел./факс: (99866) 234-76-86; e-mail: ssuv@edu.uz)

Диссертация билан Самарқанд давлат ветеринария медицинаси, чорвачилик ва биотехнологиялар университетининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (14339 рақами билан рўйхатга олинган). (Манзил: 140103, Самарқанд шаҳри, М.Улугбек кўчаси, 77- уй. Тел./факс: (99866) 234-76-86.

Диссертация автореферати 2025 йил «29» 03 кuni тарқатилди.
(2025 йил «29» 03 даги № 6 - рақамли реестр баённомаси)



Х.Б.Юнусов
Илмий даражалар берувчи илмий
кенгаш раиси, биол.ф.д., профессор

С.Б.Эшбуриев
Илмий даражалар берувчи илмий
кенгаш илмий котиби, вет.ф.д., доцент

Қ.Н.Порбоев
Илмий даражалар берувчи илмий
кенгаш қошидаги илмий семинар
раиси, вет.ф.д., профессор

КИРИШ (Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Бугунги кунда дунёнинг сут йўналишидаги қорамолчиликка ихтисослашган хўжаликларда юқори маҳсулдор сигирлардан сут маҳсулотини кўпайтиришда уларда учрайдиган жарроҳлик касалликлари, хусусан оёқ касалликлари сутчилик фермаларининг иқтисодий самарадорлигига энг катта хавф туғдириб, касаллик даврида сигирлар тана вазнининг 40% гача ва сут маҳсулдорлигининг 1000 литргача йўқотиши¹, дунё аҳолисининг чорвачилик ва айниқса, сут маҳсулотларига нисбатан мунтазам ўсиб бораётган талабини қондириш ҳамда озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлашда асосий муаммолардан бири бўлиб келмоқда. Хусусан, сигирларнинг оёқ касалликлари орасида, айниқса, пододерматит билан юқори маҳсулдор сигирларнинг касалланиши оқибатида улардан олинаётган сут маҳсулоти пасаяди ва тана вазни ҳамда пуштдорлиги камайиб, репродуктив органларида жиддий муаммолар кузатилади.

Дунё ветеринария илм-фани ва амалиётида шу пайтгача сигирларда пододерматитларнинг келиб чиқиши, учраш даражаси, патоморфологик ўзгаришлари бўйича тизимли илмий тадқиқотлар олиб борилганлигига қарамасдан, ушбу касалликка ўз вақтида ташхис қўйиш бўйича ягона илмий хулосага келинмаган. Шундан келиб чиқиб, пододерматитларни даволаш ва олдини олиш чораларини белгилашда, касалликнинг учраш даражасини, сабабларини аниқлаш ҳамда патнатомик ва гистопатологик ўзгаришларни эътиборга олиш юқори самара беради. Маҳсулдор сигирларда пододерматитларнинг турлари ва йил фасллари бўйича учраш даражаси, иқтисодий зарари, кечиш хусусиятларини аниқлаш ҳамда ушбу патологияни даволаш ва олдини олиш усулларини такомиллаштириш долзарб ҳисобланади.

Мамлакатимизнинг сут йўналишидаги қорамолчиликка ихтисослашган хўжаликларида юқори маҳсулдор сигирларнинг оёқ касалликларини даволаш ва олдини олишга қаратилган ветеринария муолажаларини ўз вақтида ўтказилиб бораётганлигига қарамасдан, озиқлантиришдаги, зоогигиеник талаблардаги номутаносибликлар, турли хилдаги механик шикастланишлар ва бошқа омиллар оқибатида оёқ касалликлари, айниқса пододерматитлар кейинги йилларда кўпайиб бормоқда. Худудимиз шароитидан келиб чиқиб, пододерматитлар билан касалланиш даражаси, минтақавий сабаблари ҳамда патанатомик ва гистопатологик ўзгаришлар етарлича илмий асосланмаган. Шунга кўра, сигирлар пододерматитларининг учраш даражасини аниқлаш, тўғри ташхис қўйиш, касалликка чалинган сигирлар туёқ шох капсуласи ва юмшоқ тўқималарининг патанатомик ва гистопатологик ўзгаришларини ўрганиш

¹ Султанов А.А., Иванов Н.П., Горелов Ю.М., Намет А.М., Суших В.Ю., Канатов Б., Еспенбет Т.Т., Егорова Н.Н. Рекомендации по борьбе с заболеваниями копыт у крупного рогатого скота. Алматы, 2015. - 26 с.

орқали касалликка патоморфологик қиёсий ва лаборатор ташхис қўйиш муҳим илмий-назарий ва амалий аҳамият касб этади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги ПФ-60-сон «2022-2026 йилларга мўлжалланган янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида»²ги, Фармони, 2017 йил 16 мартдаги ПҚ-4841-сон «Чорвачиликда иқтисодий ислохотларни чуқурлаштиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги, 2020 йил 29 январдаги ПҚ-4576-сон «Чорвачилик тармоғини давлат томонидан қўллаб-қувватлашнинг қўшимча чора-тадбирлари тўғрисида»ги, 2022 йил 8 февралдаги ПҚ-121-сон «Чорвачиликни янада ривожлантириш ва озуқа базасини мустаҳкамлаш чора-тадбирлари тўғрисида»ги, 2022 йил 8 февралдаги ПҚ-120-сон «Ўзбекистон республикасида чорвачилик соҳаси ва унинг тармоқларини ривожлантириш бўйича 2022-2026-йилларга мўлжалланган дастурни тасдиқлаш тўғрисида»ги қарорлари ҳамда мазкур соҳага тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Мазкур диссертация тадқиқоти республика фан ва технологиялар ривожланишининг V. «Қишлоқ хўжалиги, биотехнология, экология ва атроф-муҳит муҳофазаси» устувор йўналишлари доирасида бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Сигирлар бармоқларида йирингли-некротик жараёнлар, сабаблари, ташхиси, даволаш ва олдини олиш усуллари бўйича хорижий муаллифлардан А.А. Стекольников, А.Л. Лях, Е.М. Марьин, А.А. Кириллов, Э.И. Веремей, Д.Э. Корженевский, В.А. Лукьяновский, И.С. Панько, Б.С. Семенов, А.С. Молоканов, В.А. Коноплев, А.В. Бокарев, С.П. Ковалев, С.М. Сулейманов, Д.Э. Коржевского, L. Fessl, C. Stanek, J. Stur, M. Gutenther, P. Kaestner, P. Bezille, G.J. Rowlands, M. Nowicki, N. Tadicn, N. Snarinal, G. Cramer ва бошқалар, Республикамиз олимларидан Н.Ш. Давлатов, Ҳ.Б. Ниёзов, Н.Б. Дилмуродов, Б.Д. Нарзиев, Х.А. Хамдамов, Б.З. Мухтаров, Ф.А. Худоёрова, Б.Я. Нуриддинов ва бошқалар томонидан илмий тадқиқотлар олиб борилган.

Республикамизнинг қорамолчилиikka ихтисослашган хўжаликлари шароитидаги маҳсулдор сигирлар орасида пододерматитларнинг мавсумий учраш даражаси ва сабабларини аниқлаш ҳамда туёқ шох капсуласи ҳамда юмшоқ тўқималарининг патанатомик ва гистопатологик ўзгаришларини ўрганиш орқали йирингсиз ва йирингли пододерматитларга патоморфологик текширишларга асосланган қиёсий ташхис қўйиш усулини ишлаб чиқишга бағишланган тадқиқотлар етарлича бажарилмаган.

Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий тадқиқот ишлари режалари билан

²Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги ПФ-60-сон «2022-2026 йилларга мўлжалланган янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида»ги Фармони.

боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти Самарқанд давлат ветеринария медицинаси, чорвачилик ва биотехнологиялар университетининг қорамолчилик хўжаликлари билан ҳамкорликда «Ветеринария хизматларини кўрсатиш» (30.01.2023 й.) бўйича тузилган шартномалар доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади маҳсулдор сигирларда туёқ пододерматитларининг мавсумий учраш даражаси, йирингсиз ва йирингли пододерматитларда туёқ шох капсуласи ва юмшоқ тўқималарининг патоморфологик ўзгаришларини ўрганиш ва қиёсий тасхислашдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

сут йўналишидаги қорамолчиликка ихтисослашган хўжаликлари шароитида зотли сигирларда туёқ пододерматитларининг мавсумий учраш даражасини аниқлаш;

пододерматитлар билан касалланган сигирларда ўзига хос клиник белгиларни ўрганиш;

пододерматитларда туёқ шох капсуласи ва юмшоқ тўқималарининг патанатомик ўзгаришларини таҳлил қилиш;

йирингсиз ва йирингли пододерматитларга хос бўлган гистопатологик ўзгаришларни илмий асослаш;

йирингсиз ва йирингли пододерматитларда туёқ шох капсуласи ва юмшоқ тўқималарининг патоморфологик ўзгаришларини таҳлил қилиш асосида патоморфологик тасхислаш бўйича илмий ва амалий тавсиялар ишлаб чиқиш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида сут йўналишидаги қорамолчиликка ихтисослашган хўжаликлари шароитида сақланаётган пододерматит билан касалланган сигирлар, касалланган ва мажбурий сўйилган сигирлардан олинган патматериал намуналари, гистологик препаратлар тайёрлаш учун гематоксилин ва эозин бўёқлари.

Тадқиқотнинг предмети бўлиб пододерматитлар билан касалланган сигирлар туёқ шох капсуласи, юмшоқ тўқималар, клиник, патанатомик ва гистопатологик таҳлил кўрсаткичлари ҳисобланади.

Тадқиқотнинг усуллари. Тадқиқотларда клиник, патанатомик, парафинли усул, гистологик кесма тайёрлаш, гематоксилин ва эозин бўёғи билан бўяш, Ван Гизон, микроскопия усулларидан фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қўйидагилардан иборат:

сут йўналишидаги қорамолчиликка ихтисослашган хўжаликлар шароитидаги зотли сигирлар туёқларида йирингсиз ва йирингли пододерматитларнинг бир-бирига боғлиқ ҳолда мавсумий учраш даражаси баҳор фаслида энг юқори бўлиши аниқланган;

сигирлар йирингсиз пододерматитлари туёқ кафтида сарғиш рангга эга бўлган қўшалок тагликнинг ҳосил бўлиши ва йирингли пододерматитларда шикастланган олдинги оёқларини Х-симон қўйиб ташқи туёқчаларига таянишдек ўзига хос клиник белгилари билан кечиши аниқланган;

йирингсиз пододерматитларда тери асоси (дерма) ва тери ости қатлами (гиподерма) қизариб қалинлашганлиги, сўрғичлари сони камайганлиги ва йирингли пододерматитларда тери асоси ва тери ости қатламининг шишиб қалинлашганлиги, сўрғичларида гипертрофия, қон қуйилганлиги ва некроз каби патанатомик ўзгаришлари аниқланиб, қиёсий ташхислаш илмий асосланган;

сигирларнинг йирингсиз пододерматитларида эпидермисдаги хужайралар вакуолизацияси, спонгиози ва базал қатлами юпқалашганлиги ва йирингли жараёнларида эпидермисдаги хужайраларда дистрофик ўзгаришлар, некроз, шиш ва хужайралар ядроларида рексис ва пикноз каби гистопатологик ўзгаришларга асосланиб, касалликни лаборатор ташхислаш усули ишлаб чиқилган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

Самарқанд ва Қашқадарё вилоятларининг айрим қорамолчиликка ихтисослашган хўжаликларидаги сигирларда пододерматитларнинг турлари, мавсумий учраш даражаси аниқланган;

сигирларнинг йирингсиз ва йирингли пододерматитларида кузатиладиган ўзига хос клиник ҳамда туёқ шох капсуласи ва юмшоқ тўқималарининг патанатомик ва гистопатологик ўзгаришлари илмий асосланган;

текширишларда олинган клиник, туёқ шох капсуласи ва юмшоқ тўқималарининг патанатомик ҳамда гистопатологик ўзгаришлари йирингсиз ва йирингли пододерматитларга патоморфологик ташхис ва қиёсий ташхис қўйишда муҳим амалий аҳамияти аниқланган;

сигирларда йирингсиз ва йирингли пододерматитларда туёқ шох капсуласи ва юмшоқ тўқималарида патологоанатомик ва гистопатологик ўзгаришларини аниқлаш орқали касалликнинг патоморфологик қиёсий лаборатор ташхис усули ишлаб чиқилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги. Тадқиқотнинг замонавий услуб ва воситалардан фойдаланган ҳолда ўтказилганлиги, патанатомик, гистопатологик услублардан фойдаланиш ва бирламчи маълумотларга ишлов бериш ҳамда амалий таҳлил қилиш, олинган назарий натижаларнинг тажриба маълумотлари билан тўғри келиши, тадқиқот натижаларининг хорижий ва маҳаллий тажрибалар натижалари билан чуқур илмий таҳлил этилганлиги, тадқиқотларнинг далолатномаларга асосланганлиги, олинган натижалар университет апробация комиссияси томонидан илмий-тадқиқот ва бирламчи материалларга ижобий баҳо берилганлиги, илмий тадқиқот натижаларининг ўқув жараёнига жорий этилганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти сигирларда пододерматитларнинг мавсумий учраш даражаси, клиник белгилари, патоморфологик хусусиятлари, йирингсиз ва йирингли пододерматитлар билан касалланган сигирларда туёқ шох капсуласи ва юмшоқ тўқималарида ривожланадиган патанатомик ва гистопатологик ўзгаришлар аниқланлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти шундан иборатки, ҳозирги вақтда сигирлар орасида пододерматитларнинг мавсумий учраш даражаси аниқланганлиги, мажбурий сўйилган сигирларда туёқ шох капсуласи ва юмшоқ тўқималарида ривожланган патанатомик ва гистопатологик ўзгаришлари касалликнинг тури бўйича таҳлил қилиниб, илмий асосланган тавсиялар берилганлиги билан тавсифланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Сигирларда пододерматитлар диагностикаси ва патоморфологияси бўйича олиб борилган илмий тадқиқот натижалари асосида:

«Сигирларда йирингсиз ва йирингли пододерматитлар диагностикаси ва патоморфологияси бўйича тавсиялар» ишлаб чиқилиб ўқув жараёнига жорий этилган (Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлиги ҳузуридаги Ветеринария ва чорвачиликни ривожлантириш қўмитасининг 11.10.2024 йилдаги 02/23-566-сон маълумотномаси). Ушбу тавсияларнинг қўлланилиши натижасида ҳайвонларда учрайдиган пододерматитлар бўйича мавжуд ўқув ва илмий маълумотларни бойитиш, ветеринария ва чорвачилик соҳасида кадрлар тайёрлашда «пододерматитлар» нинг учраш даражаси ва касалликнинг патоморфологик ўзгаришларини аниқлаш асосида ташхис қўйиш имконияти яратилган;

тадқиқотларнинг сигирлар пододерматитида туёқ шох капсуласи ва юмшоқ тўқималарида патологоанатомик ва гистопатологик илмий асосланган хулосалари «Ветеринария хирургияси» фанининг «ортопедия» бўлими ва «Патологик анатомия, гавда ёриш ва ветеринария суд экспертизаси» фанининг «туёқ касалликларнинг патоморфологияси» бўлимини ўқитиш жараёнига жорий қилинган (Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлиги ҳузуридаги Ветеринария ва чорвачиликни ривожлантириш қўмитасининг 11.10.2024 йилдаги 02/23-566-сон маълумотномаси). Олинган натижалар асосида сигирлар пододерматитининг тури ва кечиш босқичларини инобатга олган ҳолда ташхис ва қиёсий ташхис қўйиш ҳамда даволаш ва олдини олишнинг илмий асосланган самарали усуллари ишлаб чиқиш, сигирлар пододерматитининг учраш даражаси, патологоанатомик ва гистопатологик ўзгаришларини ўрганиш бўйича талабаларнинг фаоллик ва ўзлаштириш даражасини 96% га етказишга эришилган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқот натижалари бўйича жами 6 та жумладан, 2 та ҳалқаро ва 4 та республика илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича жами 14 та илмий иш чоп этилган, шундан, Ўзбекистон Республикаси Олий Аттестация комиссиясининг докторлик диссертациялари натижаларини чоп этишга тавсия этилган илмий нашрларда 7 та мақола, жумладан, 5 та республика илмий журналларида ва 2 та хорижий журналларда нашр этилган. Олинган натижалар асосида 1 та тавсиянома тайёрланган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация кириш, 4 та боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан ташкил топган. Диссертациянинг ҳажми 119 бетни ташкил этади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Диссертациянинг «**Кириш**» қисмида тадқиқотлар мавзусининг долзарблиги ва зарурияти, мавзунинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги, муаммонинг ўрганилганлик даражаси, диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги, тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари, тадқиқотнинг объекти ва предметлари, тадқиқотнинг усуллари, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари, тадқиқот натижаларининг ишончлилиги, тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши ва апробацияси, нашр этилган ишлар, диссертациянинг тузилиши ва ҳажми баён этилган.

Диссертациянинг «**Адабиёт маълумотларининг таҳлили**» деб номланган биринчи боби тўрт қисмга бўлинган бўлиб, унинг биринчи – «Қорамолларда бармоқ ва туёқларнинг анатомо-топографияси» деб номланган қисмида йирик шохли моллар бармоқ ва туёқларининг анатомо-топографик тузилиши тўғрисида республикамиз ва дунё олимларининг тадқиқот натижалари баён этилган. «Сигирларда туёқ касалликларининг учраш даражаси, сабаблари ва патогенези» деб номланган иккинчи қисмида йирик шохли молларда туёқ касалликларининг учраш даражаси, сабаблари ва патогенези тўғрисидаги илмий адабиётлар маълумотлари келтирилган. «Пододерматитларни клиник белгилари ва диагностикаси» деб номланган учинчи қисмида йирик шохли молларда асептик ва септик пододерматитларнинг клиник белгилари, диагностикаси бўйича илмий-амалий ва назарий маълумотлар келтирилган. «Қорамолларда пододерматитларнинг патоморфологияси» деб номланган қисмида йирик шохли молларда асептик ва септик пододерматитларнинг патологоанатомик ва гистопатологик ўзгаришлари бўйича республикамиз ва дунё олимларининг назарий тадқиқот натижалари баён этилган.

Диссертациянинг «**Тадқиқот объекти ва услублари**» деб номланган иккинчи бобида тадқиқот жойи, объекти ва услублари тўғрисида маълумотлар келтирилган.

Илмий тадқиқотлар 2022-2024 йилларда Самарқанд вилояти Нарпай тумани «Агрогольд Спринг», Самарқанд тумани «Талобот», Самарқанд тумани «Агро Браво» ва Қашқадарё вилояти Китоб тумани «Дўстбой» чорвачилик фермер хўжаликлари негизида, лаборатория ва патоморфологик текширишлар Самарқанд давлат ветеринария медицинаси, чорвачилик ва биотехнологиялар университетининг «Ҳайвонлар анатомияси, гистология ва патологик анатомия» кафедрасида, Самарқанд шаҳар клиник

шифохонасининг лабораториясида, «Конигил ҳайвонларни сўйиш» пункти шароитида олиб борилди.

Клиник-ортопедик диспансерлаш орқали хўжаликдаги сигирларда пододерматитларни учраш даражаси, патологик жараёндаги клиник белгилар умумий ва махсус текшириш, яъни кўрик, пальпация, перкуссия, пассив ва айланма ҳаракат, юргизиб кўриш усуллари ёрдамида аниқланди. Ўлимдан кейинги ташхис учун туёқлардаги патологик ўзгаришларни аниқлаш Самарқанд вилояти ветеринария ва чорвачиликни ривожлантириш бошқармаси, «Конигил ҳайвонларни сўйиш» пунктида, Самарқанд вилояти «Сиёб-Шавкат-Орзу» кластерига қарашли Оқдарё туманидаги чорвачилик комплексида асептик ва септик пододерматит билан касалланиб мажбурий сўйилган 20 бош сигирларда амалга оширилди. Туёқлардаги патологик ўзгаришлар туёқни «болгарка» ускунаси ёрдамида кесиб, унинг ички элементларини очиш орқали текширилди.

Биологик материал Самарқанд шаҳридаги «Конигил ҳайвонларни сўйиш» МЧЖ нинг сўйиш масканида Самарқанд вилояти «Сиёб-Шавкат-Орзу» кластерига қарашли Оқдарё туманидаги чорвачилик комплексида асептик ва септик пододерматит билан касалланиб мажбурий сўйилган 20 бош сигирлардан олинди. Гистологик тадқиқотлар учун туёқ жияги, туёқ айланаси, туёқ девори, туёқ кафти ва юмшоқ товон тери асосидаги тўқималарнинг 1*1*0,5 см ўлчамдаги бўлаклари олинди. Олинган намуналар 10% ли формалинда фиксация қилинди.

Гистопатологик текширишларда кафедра қошидаги «Патоморфология» ва «ОРТА-ТЕСН» лабораторияларида сигирларнинг туёқларидан олинган намуналардан гистокесмалар тайёрланиб МВ-200 микроскопида ўрганилди. Тегишли гистологик ишлов беришдан сўнг, умумий морфологик расми олиш учун қалинлиги 7 мкм бўлган кесмалар гематоксилин ва эозин ҳамда Ван Гизон усулларида бўялди. Олинган маълумотларни тасдиқлаш учун аниқ гистологик ўзгаришлар суратга олинди.

Диссертациянинг **«Сигирларда йирингсиз ва йирингли пододерматитларни келтириб чиқарувчи этиологик омиллар ва учраш даражаси»** деб номланган учинчи бобнинг **«Сигирларда йирингсиз пододерматитларни учраш даражаси, келтириб чиқарувчи этиологик омиллар ва кечиш хусусиятлари»** деб номланган биринчи қисмида сигирларда туёқларнинг асептик ва септик пододерматит билан касалланиш даражаси келтирилган.

Самарқанд вилоятининг Нарпай, Самарқанд ва Қашқадарё вилоятининг Китоб туманидаги айрим чорвачилик фермалари шароитида йирингсиз пододерматит ўртача 12,8 % ни ва йирингли пододерматитлар эса ўртача 6,7% ни ташкил этиши кузатилди.

Сигирларда йирингсиз пододерматитнинг мавсумий динамикаси таҳлил қилинганида, энг кўп баҳор фаслида 18,8% ни, энг кам кўрсаткич ёз фаслида 4,2% ни ва йирингли пододерматитларнинг мавсумий динамикасида ҳам энг кўп баҳор фаслида – 10,3% ни ва энг кам кўрсаткич ёз фаслида – 2,4% ни ташкил этиши аниқланди.

Зотли сигирларда асептик пододерматитлар кўпроқ полдаги нотекисликлар туёқ кафти тери асоси элементларга жароҳатловчи таъсир этиши оқибатида қон айланиши бузилиб, гипо- ва адинамия, озикалар таркибида етарли миқдордаги микро- ва макроэлементларнинг етишмаслиги, бунинг устига юқори концентрат типидagi озиклантиришнинг жорий этилганлиги туёқ кафти тери асосида яллиғланиш ривожланишига олиб келиши, йирингли пододерматитлар эса кўпроқ полдаги нотекисликлар туёқ кафти тери асоси элементларига жароҳатловчи таъсир этиши оқибатида қон айланиши бузилиб, кейинчалик жароҳатга патоген микрофлоранинг тушиши сабабли патологик жараён оғир кечиши ва асоратли бўлиши аниқланди.

Ушбу бобнинг «**Клиник-физиологик кўрсаткичлар**» деб номланган қисмида сигирлар туёқ соҳасидаги турли йирингли ва йирингсиз пододерматитларнинг клиник кўрсаткичлари ёритилган бўлиб, йирингсиз пододерматитнинг сурункали шаклида шохсимон қават ўсишининг тартибсиз фазалари туфайли дорсал деворда ҳалқалар шаклланганлиги, туёқнинг олд девори ботик ва ариқчали кўринишга кирганлиги, туёқ кафти шохсимон қавати қизғиш рангда, оқ чизик кенгайиши аниқ кўриниши, оқ чизик бўйлаб биринчи навбатда ярачалар жойлашганлиги, туёқ капсуласи силлиқланган ва кенгайганлиги, туёқ кафти ва туёқ деворининг шохсимон қавати сифатсиз эканлиги аниқланди. Бармоқнинг шакли ўзгариб, у янада чўзилган, текисланган ва кенгайган ҳамда бармоқ артериясининг пульси кучайганлиги, туёқнинг дорсал деворидаги ариқчалар ва дўнгчалар тўлқинли кўринишга эга бўлиши қайд этилди. Айрим ҳайвонлар туёқ кафтининг плантар қисмида ярачалар пайдо бўлганлиги кузатилди. Туёқ кафтида сарғиш ранга эга бўлган қўшалок тагликнинг ҳосил бўлиши сурункали яллиғланишнинг асосий клиник белгиси сифатида хизмат қилди. Айрим ҳайвонларда туёқ кафтининг плантар қисмида қўшалок тагликнинг тешилганлиги кузатилди, ушбу тешилган жой орқали микроорганизмлар кириб йирингли пододерматитларни ривожланишига сабаб бўлганлиги аниқланди.

Текширишлар давомида сигирларда туёқ кафтининг учки қисми йирингли пододерматити ва туёқ кафтининг юқориги, яъни юмшоқ товон кўшилган қисми йирингли пододерматит билан касалланганлиги аниқланди.

Туёқ кафтининг учки қисмида йирингли пододерматит билан шикастланган сигирларда туёқнинг юқори соҳаси шишган, маҳаллий ҳарорати кўтарилган, оғриқли флюктуация беради. Қорамоллар бармоқларининг жароҳатланган бўғимларини биров буккан ҳолатда туёқнинг орқа қисмига таяниб туриши кузатилди. Улар ҳаракатланганда оёқларини бемалол узатиб, таянганда кучли оқсайди. Ҳайвонларда ҳолсизланиш, тана ҳароратининг $0,5-1^{\circ}\text{C}$ га кўтарилиши, шикастланган туёқнинг қарама-қарши туёқ бўғимига нисбатан таққосланганда катталашганлиги, тери эластиклигининг йўқолиши қайд этилди, бўғим капсуласи катталашган ва қалинлашганлиги, бўғим бўртиклари қийинлик билан пайпасланиши, эластиклиги пасайганлиги аниқланди. Бўғимлар пассив ҳаракат қилганида уларнинг ҳаракати чегараланганлиги ва ҳайвон кучли оғриқ сезиши, айрим ҳайвонларда патологик ўчоқ очилганда, унинг ичидан суюқ яшил-кулранг

йиринг борлиги ва атрофида яллиғланишга хос хусусиятли шишлар пайдо бўлганлиги кузатилди.


Диссертациянинг «Сигирларда йирингсиз ва йирингли пододерматитларни патоморфологияси ва диагностикаси» деб номланган тўртинчи бобининг «Патологоанатомик ўзгаришлар» номли қисмида йирингсиз ва йирингли пододерматит билан касалланган сигирларда туёқ элементларининг патанатомик ўзгаришларини аниқлаш мақсадида пододерматит жараёни кечаётган мажбурий сўйилган сигирлар туёқлари очилиб, ундаги патологик жараёнлар кафедра қошидаги «Гавда ёриш хонаси» да макроскопик усулда ўрганилди.

Йирингсиз пододерматит билан касалланган сигирлар туёқ жиягининг (А) олд ва ён томонлари эпидермисида шиш борлиги, унинг тери асоси (дерма) ва тери ости қатлами (гиподерма) қизарганлиги, коллаген ва эластик толалари қалинлашганлиги, тўқималар оралиғига зардобли-фибринозли, хиралашган ва майда-майда фибрин бўлакчалари мавжуд бўлган лойқасимон суюқлик ажралиши кузатилди. Туёқ жиягининг юмшоқ товонга ўтган орқа қисмида ҳам эпидермисида шиш, тери асоси (дерма) ва тери ости қатлами (гиподерма) қизарганлиги, толалари қалинлашганлиги, тўқималар оралиғига зардобли-фибринозли лойқасимон суюқлик мавжудлиги қайд қилинди (1-расм).

Туёқ айланаси тери асоси (Б) шохсимон қавати олинганидан кейин ёки бўйлама кесилганда аниқ кўринди, унинг тери асоси ва тери ости тўқимасида ҳамда дерманинг юмалоқ ва чўзилган сўрғичларида шиш ва қизариш борлиги, туёқ айланаси териси дерма тагида жуда кўп сонли қон томирлар кенгайганлиги кузатилди. Туёқ айланаси тери асоси ва тери ости тўқимаси сўрғичлари гиперплазияга ва гипертрофияга учраганлиги, оқибатда тери асосининг сўрғичсимон пардасининг айрим жойлари қизил донадор ёки бахмалсимон шаклга кирганлиги, тери асосининг сўрғичсимон қавати ва юмшоқ тўқима оралиғида зардобли-фибринозли лойқасимон суюқлик мавжудлиги аниқланди (1-расм).


Туёқ деворининг тери асоси (В) сўрғичсимон (варақчалар) ва тўрсимон (ретикуляр) қатламларида шиш ва қизариш борлиги, туёқ девори тери асосининг сўрғичсимон қавати ва туёқ оралиғи бўшлиғи фибрин ивиқлари ҳамда қуюқмаси билан қопланиб, туёқ девори тери асосининг сўрғичсимон қаватининг юзасида қалин парда ҳосил қилганлиги, натижада юмшоқ тўқима сезиларли даражада қалинлашганлиги қайд этилди. Туёқ девори тери асосининг сўрғичсимон қавати ички юзаси қуруқлашган ва нотекис бўлиб, ҳатто фибрин қопламаган жойларида ҳам шундай ҳолатларни учратиш мумкин. Туёқ девори тери асосининг сўрғичсимон қавати туёқ деворидан ажратилганда, унда меъёрдаги туёқ тери асосининг сўрғичсимон қаватидан фарқ қиладиган ясси гулоби юза кўзга ташланади, айрим ҳолларда фибринни ажратиб олишни иложи бўлмайди. У туёқ тери асосининг сўрғичсимон қавати билан бирикиб кетганлиги қайд этилди. Туёқ девори тери асосининг сўрғичсимон қавати сўрғичлари сони камайган ва кичрайган

бўлиб, айрим жойларида умуман кўринмайди, улар ўрнида ярачалар ҳосил бўлганлиги, шунингдек, туёқ девори тери асосининг сўрғичсимон қавати ва туёқ товони оралиғи бўшлиғидаги бир деворнинг бошқаси билан ёпишиб қолганлиги кузатилди.



1-расм. Йирингсиз пододерматитда туёқ жияги (А), туёқ айланаси (Б) ва туёқ девори (В) тери асоси ва тери ости тўқимасида ва дерманинг юмалоқ ва чўзилган сўрғичлари шишиб ва қизарган жуда кўп сонли қон томирлар кенгайган.

Йирингли пододерматитларда туёқ элементларидаги паталогоанатомик ўзгаришлар қуйидагича бўлиши аниқланди. Туёқ жиягининг (А) эпидермисида қизариш ва шиш борлиги, унинг тери асоси (дерма) ва тери ости қатлами (гиподерма) очилганда, тўқималарининг шишганлиги ва қалинлашганлиги, нотекис ва майда-майда қон қуйилганлиги, тўқималар оралиғида бироз суюқ консистенцияга эга бўлган кулранг-сарғиш, айримларида эса кўкиш-қорамтир суюқлик тўпланганлиги қайд этилди. Туёқ жиягининг юмшоқ товонга ўтган орқа қисмида ҳам эпидермисда қизариш, шиш, тери асоси ва тери ости қатлами очилганда, толалари қалинлашганлиги, тўқималар оралиғида қорамтир лойқасимон суюқлик тўпланганлиги, айрим жойларда нотекис ва майда-майда қон қуйилганлиги кузатилди (2-расм). Йирингли пододерматит билан касалланган туёқ айланаси (Б) тери асоси ва тери ости тўқимасида ва дерманинг юмалоқ ва чўзилган сўрғичларида қизариш ва шиш борлиги, туёқ айланаси териси тагида жуда кўп сонли қон томирлар кенгайганлиги ва қонталашлар қайд этилди. Туёқ айланаси тери асоси ва тери ости тўқимаси сўрғичлари гипертрофияга учраганлиги, оқибатда тери асосининг сўрғичсимон пардасининг айрим жойларида майда капиллярлар шикастланган ва қон қуйилганлиги, туёқ айланаси тери асосининг сўрғичсимон қавати ва юмшоқ тўқима оралиғига лойқасимон суюқлик тўпланганлиги аниқланди.




2-расм. Йирингли пододерматитда эпидермисда (А) кизариш ва шиш бор, унинг тери асоси (дерма) ва тери ости қатлами (гиподерма) (Б) шишган ва қалинлашган, нотекис ва майда-майда қон қуйилган, тўқималар оралиғида кулранг-сарғиш йирингли суяқлик тўпланган.

Йирингли пододерматитда туёқ девори тери асосининг (В) сўрғичсимон қавати шишганлиги, суяқлиги қорамтир лойқасимон, нотекис ва майда-майда қон қуйилганлиги кузатилди. Туёқ девори тери асосининг сўрғичсимон қавати сўрғичлари гиперплазия ва гипертрофияга учраганлиги сабабли туёқ тери асосининг сўрғичсимон қаватининг айрим жойлари қизил донадор бахмалсимон шаклга кирганлиги, унинг дорсал ва вентрал томонлари бинафша-кулранг бироз грануляцион тўқима ўсганлиги кузатилиб, туёқ девори тери асосининг сўрғичсимон қавати сўрғичлари билан грануляцион тўқима оралиғида йирингли экссудат бир-бирига ёпишган узун сўрғичлар шаклида жойлашганлиги қайд этилди. Туёқ шох қавати бироз қорайган бўлиб, йирингли яллиғланиш оқибатида некротик жараёнлар ривожланган. Сўрғичсимон қаватининг сўрғичлари усти юпка лойқасимон, юзаси нотекис, юмшоқ тўқимаси стромасида бузилишлар кузатилмаган бўлсада, уларда қорамтир ўлган тўқималар ҳосил бўлганлиги аниқланди.

Йирингли экссудат ҳажми суяқ консистенцияга эга бўлиб, кулранг-сарғиш, айрим ҳолларда эса кўкиш-қорамтир рангда. Йирингли пододерматитда туёқ девори тери асосининг сўрғичсимон қавати шишганлиги, йирингда ўлган тўқима бўлакчалари борлиги, унга қон аралашганда ранги қизғиш-кулранг рангда бўлиши кузатилди.

Тўртинчи бобнинг «Гистологик ўзгаришлар» деб номланган қисмида йирингсиз ва йирингли пододерматит билан касалланган сигирлар туёқларининг анатомик элементлари – туёқ жияги, туёқ айланаси, туёқ девори ва туёқ кафти тери асоси юмшоқ тўқималаридаги гистопатологик ўзгаришлар баён этилган.

Йирингсиз пододерматит билан касалланган сигирлар туёқ деворининг эпидермиси тикансимон қаватида ҳужайралар вакуолизацияси (А) ва спонгиози (Б) кузатилди. Бунда, ҳужайралараро майда бўшлиқлар ҳосил бўлиб, уларнинг қўшилиши натижасида зардоб суюқлик ёки лейкоцитлар билан тўлган кўп катакли бўшлиқлар ҳосил бўлган, қоннинг шаклли элементларининг эмиграцияси, тери асоси ва эпидермис ўртасидаги базал мембрана ва субэпидермал ретикулин тутами (В) лизисга учраши туфайли эпидермис туёқ териси асосидан ажралиши, дерманинг сўрғичсимон қаватида қон томирларининг кенгайиши ва улар атрофида (Г) лимфоцитар яллиғланиш инфильтрати кузатилди. Тери асоси сўрғичсимон (варақчалар) ва тўрсимон (ретикуляр) қатламларининг шишганлиги, туёқ девори тери асосининг сўрғичсимон қавати ва туёқ оралиғи бўшлиғида фибрин тўпланганлиги (Д), туёқ девори тери асосининг сўрғичсимон юмшоқ тўқимаси сезиларли даражада қалинлашганлиги қайд этилди (3-расм).




3-расм. Туёқ деворининг эпидермиси тикансимон қаватида ҳужайралар вакуолизацияси (А) ва спонгиози (Б), субэпидермал ретикулин тутами (В) лизиси, (Г) лимфоцитар яллиғланиш инфильтрати, сўрғичсимон қавати ва туёқ оралиғи бўшлиғи фибрин (Д), туёқ девори тери асосининг сўрғичсимон юмшоқ тўқима сезиларли даражада қалинлашган. Гематоксилин-эозин. Ок. 10. Об. 40.

Йирингсиз пододерматит билан касалланган сигирлар туёқ кафтининг эпидермисида туёқнинг бошқа элементлари сингари қон томирлари деворлари шиллиқ қаватининг мукоидли шиши, эпидермиснинг (А) спонгиози, қон томири атрофига қоннинг шаклли элементлари – лейкоцит ва эритроцитларнинг эмиграцияси, дерма ва эпидермис ўртасидаги базал мембрана тутами айрим жойларининг (Б) лизисга учраганлиги қайд этилди.

Туёқ кафти тери асоси сўрғичлари деформацияга учраган ва сони камайган, тўрсимон тўқималари коллаген ва эластик толалари текисланган. Тери асосининг сўрғичсимон қавати сўрғичлари лизисга учраган ва қолганларининг ҳам ҳажми кичрайган бўлиб, айрим жойларида умуман кўринмайди, улар ўрнида чандиклар ҳосил бўлган, фибриноидли шиш, коллаген ва эластик толалари (В) дегенерацияси, (Г) дискератоз (эпидермис қавати ҳужайралари мугузланиш ҳолатининг бузилиши) аниқланди.

Туёқ кафтининг юмшоқ товонга туташган юқориги қисмида, тери асоси ва тери ости қатламида коллаген ва эластик толаларда (Д) фибриноидли ва мукоидли бўқиш, фибриноид ва склеротик ўзгаришлар фонида экссудатив-пролифератив (Е) васкулит ҳамда лимфоцитар ва мононуклеар инфильтрацияси аниқланди (4-расм).




4-расм. Туёқ кафти эпидермисининг (А) спонгиози, базал мембрана тутамининг айрим жойлари (Б) лизиси, коллаген ва эластик толалари (В) дегенерацияси, (Г) дискератоз, (Д) васкулит. Гематоксилин-эозин. Ок. 10. Об. 40. (1), Ван-Гизон бўйича бўялган (2).

Юмшоқ товон эпидермисида фибриноидли шиш, қон томирлари деворлари шиллиқ қаватининг мукоидли шиши, эпидермиснинг спонгиози, инфильтрация, қон томири атрофияга қоннинг шакли элементларининг эмиграцияси, лизисга учраган базал мембрана аниқланди. Юмшоқ товон тери асосидаги зич бириктирувчи тўқима, тўрсимон қават ва сўрғичсимон туёқ учи томонда кўп сонли кичик, нисбатан тенг ўлчамдаги, чўзилган, юмалоқ сўрғичлари ва бириктирувчи тўқима хужайралари емирилган бўлиб (А), толаларнинг фрагментларга бўлинганлиги, шунингдек, юмшоқ тўқима толалари қалинлашганлиги, тўқималар оралиғида суюқлик тўпланганлиги аниқланди. Дермада кўплаб эластик толалар тутамлари (Б) дегенерацияси, (В) дискератоз, тола деворларида мукоид ва фибриноид моддаларнинг шимилганлиги ва толаларнинг фрагментларга парчаланганлиги ҳамда қоннинг шакли элементларининг эмиграцияси аниқланди.

Юмшоқ товон тери асосидаги кафт (вентрал) қисмининг тери ости қатлами (Г) атрофияга учраганлиги, бириктирувчи тўқималар ва тартибсиз жойлашган хужайралар парчаланганлиги, ёғ вакуолярларининг майдони камайганлиги, гиподерма юпқалашганлиги кузатилди (5-расм).


Йирингли пододерматит билан касалланган сигирлар туёқ девори эпидермисининг ясси эпителий хужайралари ядроларида рексис (А) ва пикноз (Б), бириктирувчи толалар фарқланмаслиги ҳамда некрозга учраши аниқланди. Базал мембрана ва субэпидермал ретикулин тутамида шиш ва некроз туфайли юмшоқ тўқима сезиларли даражада қалинлашганлиги

аниқланди. Туёқ девори тери асосининг сўрғичсимон қавати ички юзаси куруқлашган ва нотекис бўлиб, ҳатто фибрин қопламаган жойларида ҳам шундай ҳолатларни учратиш мумкин.



5-расм. Юмшоқ товон юмалок сўрғичлари ва бириктирувчи тўқима хужайралари емирилган (А), эластик толалар тутамлари (Б) дегенерацияси, (В) дискератоз, тери ости қатлами (Г) атрофияга учраган, ёғ вакуоаларининг майдони камайган (Д), гиподерма юпқалашган. Гематоксилин-эозин. Ок. 10. Об. 40.


Туёқ тери асосининг сўрғичсимон қавати сўрғичлари сони камайган ва кичрайган бўлиб, айрим жойларида умуман кўринмайди, улар ўрнида чандиқлар ҳосил бўлган, шиллиқ ва фибриноид шиш, коллаген ва эластик толалари дегенерацияси (В), дискератоз (Г) (эпидермис қавати хужайраларининг мугузланиш ҳолатини бузилиши) кузатилди. Туёқ тери асосида фибриноид ва склеротик ўзгаришлар фонида экссудатив-пролифератив васкулит (Д), паракератоз (Е), лимфоцитар ва моноклеар инфильтрацияси аниқланди (6-расм).



6-расм. Туёқ деворининг хужайралари ядроларида рексис (А) ва пикноз (Б), коллаген ва эластик толалари дегенерацияси (В), дискератоз (Г), экссудатив-пролифератив васкулит (Д), паракератоз (Е). Гематоксилин-эозин. Ок. 10. Об. 40.(1). Ван-Гизон бўйича бўялган (2).

Туёқ кафтининг патологик ўчоғида эпидермис кўринмайди, патологик ўчоқ яқинидаги ва унинг атрофидаги эпидермис қалинлашган – акантоз (А), гиперкератоз (Б) (эпидермиснинг мугуз қатламининг ҳаддан ташқари қалинлашиши) кузатилди, базал қатлами юпқалашган ёки айрим жойларида қисман йўқ, ялтироқ қатлами ҳужайраларида кариопикноз (В) ва кариолизис (Г) ҳолатида эканлиги аниқланди. Ҳужайралари сезиларли даражада юпқалашган, ядро парчаланган ва айрим жойларда кўринмайди.

Туёқ кафти тери асосининг яллиғланиш ўчоғида полиморфядроли тўқима инфильтрацияси, тўр қатлам бириктирувчи тўқималарининг толаларида мукоидли бўкиш ва гиалиноз (Д) (бириктирувчи тўқимада гиалин дистрофияси), некроз ўчоқлари ва микро абсцесслар, шиш ва парчаланмиш зоналари мавжуд. Қон томирлари деворлари шиллиқ қаватининг мукоидли шишиши натижасида интимал ҳужайралар бир-бирига кучсиз ёпишганлиги қайд этилди. Тери асосининг сўрғичсимон қавати сўрғичларида некроз ва лизис (Е) кузатилди ҳамда мавжуд сўрғичларнинг ҳажми кичрайиб, тери асоси лизисга учраган сўрғичлари ўрнида чандиқлар ҳосил бўлганлиги, коллаген ва эластик толалари фибриноид ва склеротик ўзгаришлар фонида эксудатив-пролифератив васкулит, паракератоз ва дискератоз аниқланди. Туёқ кафтининг юмшоқ товонга туташган юқори қисмида, тери асоси бириктирувчи тўқима ҳужайралари парчаланганлиги, тери ости қатламида сўрғичлари гипертрофияга учраганлиги, патологик ўчоқда тўқималар парчаланган ва емирилганлиги ҳамда некрозга учраганлиги, қон томирларидаги микротромблар сабабли қон айланиши бузилганлиги кузатилди. Қон томирларида микротравмалар ҳамда унинг атрофида микрогематомалар аниқланди (7–расм).




7-расм. Туёқ эпидермисида қалинлашган акантоз (А), гиперкератоз (Б), ялтироқ қатлами ҳужайраларида кариопикноз (В) ва кариолизис (Г), бириктирувчи тўқималарининг гиалинози (Д), сўрғичларида некроз ва лизис (Е). Гематоксилин-эозин. Ок. 10. Об. 40.

Патологик ўчоққа яқин ва унинг атрофидаги юмшоқ товон эпидермиси юпқалашиб, айрим жойларда лизисга (А) учраганлиги, базал ва ялтироқ қатламлари хужайралари сийраклашганлиги, ядроси парчаланганлиги ва айрим жойларда кўринмаслиги қайд этилди.

Патологик ўчоққа яқин жойларида ва унинг атрофидаги тери асосидаги узунчоқ, юмалоқ сўрғичлари сони камайиб атрофияга ва бириктирувчи тўқима хужайралари некрозга (Б) учраганлиги, юмшоқ тўқима толалари шишганлиги ва қалинлашганлиги, айрим тўқималар парчаланганлиги кузатилди. Дермада кўплаб эластик толалар тутамлари некроз ва лизисга учраганлиги ва толаларнинг фрагментларга парчаланганлиги, паракератоз, дискератоз (В) аниқланди. Қон томирнинг эндотелий хужайраларида дистрофик ўзгаришлар, микротравмалар (Г) ҳамда унинг атрофида микрогематомалар аниқланди.

Юмшоқ товон қафт (вентрал) қисмининг тери асоси ва тери ости қатлами атрофияга учраганлиги, коллаген ва эластик толаларда некроз, гиперплазия (Д) ҳамда коллаген толалар орасида фибрин тўпланганлиги, бириктирувчи тўқимада гиалиноз, емирилган коллаген толалар ўрнида чандиқ ҳосил бўлганлиги, эластик толалар дистрофияси ва емирилганлиги кузатилди (8-расм).



8-расм. Юмшоқ товон эпидермиси лизисга (А) учраган, бириктирувчи тўқима хужайралари некрозга (Б) учраган, дермада паракератоз, дискератоз (В), қон томир эндотелий хужайраларида дистрофик ўзгаришлар, микротравмалар (Г), коллаген ва эластик толаларда некроз, гиперплазия (Д), ёғ вакуолаларининг майдони кескин камайган ва айримлари некрозга (Е) учраган. Гематоксилин-эозин. Ок. 10. Об. 40.(1). Ван-Гизон бўйича бўялган (2).

Бириктирувчи тўқима хужайралари парчаланган ва емирилганлиги, ёғ вакуолаларининг майдони кескин камайганлиги ва айримлари некрозга (Е) учраганлиги, гиподерма қатлами юпқалашганлиги аниқланди.

ХУЛОСАЛАР

1. Самарқанд вилоятининг Нарпай, Самарқанд ва Қашқадарё вилоятининг Китоб туманидаги айрим чорвачилик фермалари шароитида асептик пододерматит ўртача 12,8 % ни ва йирингли пододерматитлар эса ўртача 6,7% ни ташкил этди.

2. Сигирларда асептик пододерматитнинг мавсумий динамикаси таҳлил қилинганда, энг кўп баҳор фаслида 18,8% ни, энг кам кўрсаткич ёз фаслида 4,2% ни ва йирингли пододерматитларнинг мавсумий динамикасида ҳам энг кўп баҳор фаслида 10,3% ни ва энг кам кўрсаткич ёз фаслида 2,4% ни ташкил этиши аниқланди.

3. Асептик пододерматитларнинг ўткир жараёнида, ҳайвонларнинг иштаҳаси пасайиши, сут маҳсулотининг кескин камайиши, туёқ жиягида қизариш, шиш ва туёқ кафтида маҳаллий ҳарорати сезиларли даражада ошганлиги, бармоқ артериясида пульс кучайганлиги, туёқ кафти пальпация қилинганда оғриқ намоён бўлиши билан ҳамда сурункали жараёнида эса туёқ кафтида сарғиш рангга эга бўлган қўшалок тагликнинг ҳосил бўлиши унинг асосий клиник белгиси сифатида намоён бўлди.

4. Йирингли пододерматит билан касалланган сигирларда туёқ юқори соҳасида шиш, маҳаллий ҳарорат, оғриқ ва флюктуация кузатилиб, шикастланган бармоқни биров буккан ҳолда туёқнинг учки қисмига таяниб кучли оқсайди, кўп ётиб, хохишсиз ўрнидан туради, шикастланган оёқларини осилтириб ёки таянганда тез-тез соғлом оёғи билан алмаштириб туриши кузатилди.

5. Асептик пододерматитда туёқ жияги, туёқ айланаси, туёқ девори ва туёқ кафти эпидермисида шиш қизариш, унинг тери асоси (дерма) ва тери ости қатлами (гиподерма) қизарганлиги, қалинлашганлиги, сўрғичлари сони камайганлиги, шох парда айрим жойлари сариқ ёки қора рангга кирганлиги, баъзи туёқларда қўшалок кафт шох пардаси мавжудлиги, туёқ кафти тўқималари оралиғига майда-майда фибрин бўлакчалари мавжуд бўлган лойқасимон суюқлик аниқланди.

6. Йирингли пододерматитда туёқ жияги, туёқ айланаси, туёқ девори ва туёқ кафти эпидермиси, тери асоси (дерма) ва тери ости қатламининг (гиподерма) шишганлиги ва қалинлашганлиги, сўрғичларида гипертрофия, қон қуйилганлиги, тўқималар оралиғига кўкиш-қорамтир суюқлик, некрозга учраган ва қорамтир ўлган тўқималар ҳосил бўлганлиги, туёқ кафтининг тери асосининг донатор сўрғичсимон қавати юзасида қизғиш рангдаги йиринг тўпланганлиги қайд этилди.

7. Асептик пододерматитда туёқ жияги, туёқ айланаси, туёқ деворининг эпидермисидаги хужайралар вакуолизацияси ва спонгиози, базал қатлами юпқалашган, қоннинг шаклли элементлари эмиграцияси, тери асоси ва эпидермис ўртасидаги базал мембрана ва субэпидермал ретикулин тутами лизисга учраганлиги, туёқ кафти ва юмшоқ товоннинг қон томирлари деворларининг шиллик қаватининг мукоидли шиши, толаларнинг фрагментларга парчаланганлиги, дегенерацияси, дискератози аниқланди.

8. Йирингли пододерматитда туёқ жияги, туёқ айланаси хужайраларида дистрофик ўзгаришлар, эпидермис шиллиқ қаватининг некрози, шиши ва қоннинг шакли элементлари эмиграцияси туёқ девори ва туёқ кафти хужайралари ядроларида рексис ва пикноз, бириктирувчи толалар некрози, шиллиқ ва фибриноид шиш, экссудатив-пролифератив васкулит, лимфоцитар ва мононуклеар инфильтрацияси, акантоз, гиперкератоз, базал қатлами юққалашган некрозга учраган, гиподерма қатлами эса юққалашган.

**НАУЧНЫЙ СОВЕТ DSc.06/30.12.2019.V.12.01 ПО
ПРИСУЖДЕНИЮ УЧЁНЫХ СТЕПЕНЕЙ ПРИ САМАРКАНДСКОМ
ГОСУДАРСТВЕННОМ УНИВЕРСИТЕТЕ ВЕТЕРИНАРНОЙ
МЕДИЦИНЫ, ЖИВОТНОВОДСТВА И БИОТЕХНОЛОГИЙ**

**САМАРКАНДСКИЙ ГОСУДАРСТВЕННЫЙ УНИВЕРСИТЕТ
ВЕТЕРИНАРНОЙ МЕДИЦИНЫ, ЖИВОТНОВОДСТВА И
БИОТЕХНОЛОГИЙ**

ПАРДАЕВА ШАХНОЗА АЛИШЕРОВНА

**СРАВНИТЕЛЬНАЯ ПАТОМОРФОЛОГИЯ ПОДОДЕРМАТИТОВ У
КОРОВ**

**16.00.02 – Патология, онкология и морфология животных. Ветеринарное акушерство
и биотехника репродукции животных.**

**АВТОРЕФЕРАТ ДИССЕРТАЦИИ ДОКТОРА ФИЛОСОФИИ (PhD)
ПО ВЕТЕРИНАРНЫМ НАУКАМ**

Самарканд – 2025

Тема диссертации на степень доктора философии (PhD) по ветеринарным наукам зарегистрирована в Высшей аттестационной комиссии за № B2024.2.PhD/V114.

Диссертация доктора философии (PhD) выполнена в Самаркандском государственном университете ветеринарной медицины, животноводства и биотехнологий

Автореферат диссертации доктора философии (PhD) на трёх языках (узбекский, русский, английский (резюме)) размещен на веб-странице Научного совета и в информационно-образовательном портале «ZiyoNet» (www.ziyo.net).

Научный руководитель: Дилмуродов Насриддин Бабакулович
доктор ветеринарных наук, профессор

Официальные оппоненты: Элмуродов Бозорбой Акрамович
доктор ветеринарных наук, профессор

Юлчиев Жасур Баходирович
доктор философии (PhD) по ветеринарным наукам,
доцент

Ведущая организация:

Самаркандский государственный медицинский университет

Защита состоится «12» 04 2025 г. в 14 00 часов на заседании Научного совета DSc.06/30.12.2019.V.12.01 по присуждению ученых степеней при Самаркандском государственном университете ветеринарной медицины, животноводства и биотехнологий (Адрес: 140103, город Самарканд, ул. Мирзо Улугбека, 77, Тел./факс: (99866) 234-76-86; e-mail: ssuv@edu.uz).

С диссертацией можно ознакомиться в информационно-ресурсном центре Самаркандского государственного университета ветеринарной медицины, животноводства и биотехнологий (зарегистрировано за № 14339) (Адрес: 140103, город Самарканд, ул. Мирзо Улугбека, 77 Тел./факс: (99866) 234-76-86.

Автореферат диссертации разослан «29» 05 2025 г.
(протокол реестра № 6 от «29» 05 2025 г.)



Х.Б.Юнусов
Председатель научного совета по
присуждению учёных степеней,
д.биол.н., профессор

С.Б.Эшбуриев
Учёный секретарь научного совета
по присуждению учёных степеней,
д.вет.н., доцент

К.Н.Норбоев
Председатель научного семинара
при научном совете по присуждению
учёных степеней, д.вет.н., профессор

ВВЕДЕНИЕ (аннотация диссертации доктора философии (PhD))

Актуальность и востребованность темы диссертации. В настоящее время в хозяйствах мира, специализирующихся на молочном скотоводстве, основным фактором, влияющим на повышение молочной продуктивности высокопродуктивных коров, являются хирургические заболевания, в частности заболевания конечностей, которые представляют собой наибольшую угрозу экономической эффективности молочных ферм, в период болезни коровы теряют до 40% массы тела и до 1000 литров молока¹, тогда как удовлетворение постоянно растущего спроса населения мира на продукцию животноводства, особенно молочных продуктов, и обеспечение продовольственной безопасности является одной из основных проблем. В частности, в результате заболеваний конечностей, особенно пододерматитом высокопродуктивных коров, приводят к снижению их молочной продуктивности, потере массы тела и плодовитости, а также наблюдаются серьезные проблемы с репродуктивными органами.

Несмотря на то, что в мировой ветеринарной науке и практике проводятся систематические научные исследования по происхождению, степени встречаемости и патоморфологическим изменениям пододерматита у коров, единого научного вывода по своевременной диагностике этого заболевания не сделано. Поэтому при определении мер лечения и профилактики пододерматитов, является наиболее эффективным установление степени встречаемости заболевания, его причин, а также учитывание анатомических и гистопатологических изменений. Является актуальным определение пододерматита у продуктивных коров по видам и сезонам года, экономического ущерба и особенностей течения, а также совершенствование методов лечения и профилактики этой патологии.

Несмотря на то, что в специализированных хозяйствах молочного направления нашей страны проводятся ветеринарные мероприятия, направленные на лечение и профилактику заболеваний копыт у высокопродуктивных коров, в последние годы наблюдается рост заболеваемости копыт, особенно пододерматитом, что обусловлено дисбалансом в кормлении, зоогигиенических требованиях, различными механическими травмами и другими факторами. Учитывая условия нашего региона, степень заболеваемости пододерматитом, его регионарные причины а также патологоанатомические и гистопатологические изменения недостаточно научно обоснованы. В связи с этим важное научно-теоретическое и практическое значение имеет определение степени встречаемости пододерматитов у коров, постановка точного диагноза, изучение сравнительной патоморфологической и лабораторной диагностики заболевания путем изучения патологоанатомических и гистопатологических изменений в капсуле и мягких тканях копыт пораженных коров.

¹ Султанов А.А., Иванов Н.П., Горелов Ю.М., Намет А.М., Сущих В.Ю., Канатов Б., Еспенбет Т.Т., Егорова Н.Н. Рекомендации по борьбе с заболеваниями копыт у крупного рогатого скота. Алматы, 2015. - 26 с.

Данная диссертационная работа в определённой мере служит выполнению приоритетных задач обозначенных в Указе Президента Республики Узбекистан УП-60 от 28 января 2022 года «О стратегии развития нового Узбекистана на 2022-2026 годы»², Постановлениях Президента Республики Узбекистан ПП-4576 от 29 января 2020 года «О дополнительных мерах государственной поддержки животноводческой отрасли», ПП-121 от 8 февраля 2022 года «О мерах по дальнейшему развитию животноводства и укреплению кормовой базы», ПП-120 от 08 февраля 2022 года «Об утверждении Программы развития сферы животноводства и ее отраслей в Республике Узбекистан на 2022-2026 годы» а также других нормативно-правовых документах, связанных с данной отраслью.

Соответствие исследований приоритетным направлениям развития науки и техники республики. Данное исследование выполнено в соответствии с приоритетным направлением развития науки и технологий республики V. «Сельское хозяйство, биотехнология, экология и защита окружающей среды».

